

Б.Б. ХАКИМОВ

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК



КИРИШ

Олий рассомлик мактабларида ҳайкалтарошликка ўқитишдан мақсад, юксак тасвир маданияти ва касб маҳоратини тўлиқ эгаллаган ҳайкалтарошлик мўтахассисини тайёрлашдир. Шунингдек талабалар илмий-назарий, махсус умумтаълим фанларини пухта ўзлаштириши, ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолиятига тайёрланган бўлиши лозим. Ҳайкалтарошликни ўрганиш жараёнида рассомчилик мактаби ва Олий таълим тизимининг асосий мақсади миллий санъатимизни жаҳон андозалари даражасига кўтарувчи баркамол маҳорат ва истеъдод соҳиблари бўлган мўтахассисларни етказиб беришдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фанни мукаммал эгаллашлари учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

а) мавжуд воқеликни бутун ранг-баранглиги ва кўлами билан идрок этиш ва уни бадиий тимсолларда гавдалантириб бера олиш;

б) жаҳон амалий санъати усталарининг меросини ўрганиш ва уларнинг яхши ютуқларини ижодий ўзлаштириш;

в) анатомия, перспектива, чизматасвир, меъмор маслаҳати, ашёда ишлаш, материалшунослик каби ёрдамчи ўқув фанларини жиддий ўзлаштириш;

г) фундаментал, умумкасбий ва махсус тайёргарликка эга бўлган малакали мўтахассис кадрлар тайёрлаш.

Фанни ўзлаштиргандан кейин талаба: инсон тасвирини уч барабар катталиқда хажмли тасвирлаш; таъсирчан ҳайкалтарошликнинг асосий воситалари; ҳайкалтарошлик модели сифатида фигураларни жойлаштириб қўйиш; ҳайкалтарошлик ҳажмини меъморий ташкил этиш; пропорция ва муносабат вазни; ҳайкалтарошликнинг атроф муҳит ва меъморий воситалар билан ўзаро алоқаси ҳақида тасаввурга эга бўлиши; юмшоқ ашёларда ҳайкалтарошликнинг асосий турларини яратиш принципларини (доиравий, кўп фигурали композиция, бюсть, торс); юмшоқ ашёларда маҳобатли ҳайкалтарошлик асари яратишнинг асосий принципларини; юмшоқ ва қаттиқ ашёларда дастгоҳли ҳайкалтарошлик асарини яратишнинг асосий принципларини; қаттиқ ва юмшоқ ашёларда декоратив ҳайкалтарошлик асарини яратишнинг асосий принципларини; қаттиқ ашёларда кичик шаклдаги ҳайкалтарошлик асарлари яратишнинг асосий принципларини; медальер санъати асарлари яратишнинг асосий принципларини (макет, эскиз) билиши ва улардан фойдалана олиши; ҳайкалтарошлик асарлари яратиш асосларини эгаллаш, натуравий ёпиштириш, эскиз ва этюдларни натурадан яратиш; айланма

хайкалтарошлик ва рельефли композиция учун қолип яратиш; буюртма хажмидаги модел устида ишлаш; лойдан қилинган моделни гипсга кўчириш, уни қаттиқ материалга ўзгартириш малакасига эга бўлиши керак.

Хайкалтарошлик санъати маҳоратини эгаллашда амалий машғулотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан хайкалтарошнинг шаклланиши тўлиқ маънода устоз билан олиб бориладиган якка тартибдаги мустақил амалий ва ижодий машғулотлар турига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мўтахассислик фанларининг аксарият қисмини мустақил машғулотлар ташкил этади. Хайкалтарош том маънодаги касбий маҳоратни эгаллаши учун аввало амалий машғулотларда ўзини кўрсата олиши лозим. Назарий билимлар амалий кўникмаларни эгаллаш жараёнида устоз – педагоглар томонидан оғзаки тушунтиришлар, маслаҳатлар, кўрсатмалар, амалий кўрсатишлар натижасида амалда уни қўллаш жараёнида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Тинимсиз амалий машғулотлар олиб бориш бўлажак хайкалтарошларнинг маҳоратини ошириш курули бўлиб хизмат қилади.

Ўқув режа бўйича мазкур фан 4 йил давомида ўқитилади. Бу фанга ажратилган соатнинг умумий хажми 1717 соат бўлиб, шундан 756 соати амалий машғулот, 100 соати маъруза ва 861 соати мустақил таълимга ажратилган.

1-курса асосий ўқув вазифаси одам боши, елка қисми ва одам тана аъзолари: кўз, кулоқ, бурун, огиз, қўл, оёқ, мураккаб кўринишдаги одам бошини гипс моделда ўрганишдир. Ўқитувчи гипс модель танлашга талабчанлик билан ёндошмоғи ҳамда талабанинг диққат эътиборини бошнинг формалари ва унинг уч пропорцияси: бош, бўйин ва елка қисмини ўрганиб чиқиш тажрибасига жалб қилмоғи керак.

2-курса ўқитувчи натура танлашга талабчанлик билан ёндошмоғи ҳамда талабанинг диққат эътиборини бошнинг формалари ва унинг уч пропорцияси: бош, бўйин ва елка қисмини ўрганиб чиқиш тажрибасига жалб қилмоғи керак. Шу билан бирга одам қоматини ишлашда асосий вазифа қоматни қуриш, унинг характерини ва пластикасини намоён этишга алоҳида эътибор беришдан иборат. Ўқув вазифаларидан бири моделнинг характерига ва бош қисмига алоҳида диққат эътиборда бўлиш ва одамнинг қўл-оёқ қисмларини тўғри бажаришдир. Бунда қуриш тушунчасининг композициясини текисликда жойлаштиришни чуқурроқ ўрганиб бажариш лозим.

3-курса асосий масала яланғоч ва либосли инсон қоматини тасвирлашдир. Постановкалар жонли ва аниқ бўлмоғи лозим. Бош масала

моделнинг қурилиши, унинг пластикасини намоён этмоқ ва букламларнинг характерини ўрганиб, ишни тугал бажарилишига эътибор қаратмоқ.

4-курса асосий ўқув вазифаси мураккаб яланғоч ва либосли қоматни тасвирлаш ҳамда диплом учун материал йиғишдан иборатдир. Постановкалар аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Амалий ва назарий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабаларнинг асосий амалий машғулотлари мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини янада бойитиши назарда тутилади. Шунингдек, дарслик, ўқув қўлланма ва катталоглар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, йирик рассомларнинг бадиий асарлар катталогидан фойдаланиш, улар асосида ҳайкалтарошлик асарлари яратиш орқали талабалар билимини ошириш, ўз устида янада ишлаш, соҳанинг ўзига хос нозик хусусиятларини эгаллаш тавсия этилади.

Талаба амалий машғулотлар жараёнида асарга нозик ишлов бериб, шаклларни моделлаштириш; махсус лой, мум, пластилин каби юмшоқ ашёлар билан ишлаш; ҳайкалтарошликнинг ҳар-хил турларида ишлашда хомакиларни тайёрлаш, моделни бажариш учун ҳайкалтарошлик техникасини, кейинчалик бошқа ашёга ўтказишни; айланма дастгоҳ, темир каркасдан фойдаланган ҳолда, юмшоқ ашёда ҳайкал яратишнинг технологик жараёнлари, асбоб – ускуналарсиз, бевосита қўллар орқали ҳайкалга пластик ишлов бериш; шаклни моделлаштириш; ҳайкал қисмларини нозик ишлаб чиқиш малакасини кўрсата билиши шарт.

Ҳайкалтарошлик ўқув фанини талабалар томонидан тўлиқ ўзлаштиришлари ва касб маҳоратини мукамал эгаллашлари мақсадида ўқитувчи раҳбарлигида ўтиладиган натура билан ўқув вазифаларини бажариш машғулотларига қўшимча яна шу миқдорда мустақил машғулотлар учун ўқув соатлари ажратилади ва натура билан таъминланади. Ҳайкалтарошлик асарларини меъморий муҳитда жойлаштириш вазифасини бажаришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим. Шунингдек (СД) дискларда замонавий ҳайкалтарошлик намуналарини кўрадилар ва улардан ижодий малакаларини оширишда фойдаланадилар.

I БОБ БЮСТ

Натурадан бош яшадан аввал ўқувчи камида 2 та гипс куймаларидан нусха қилиши шарт. Масалан Люций Вер калласини ёки «Қўлгудаги фиръавн» (антик бюст). Кўрсатилган ҳайкалларнинг анатомик тузилмаси, улардаги массанинг жойлаштирилишининг тиниқлиги ўқувчи томонидан бериладиган кўп саволларига аниқ жавоб бериши турган гап. Биздаги дид босқичма-босқич шаклланиб боради, шунинг учун фақат бир неча жиддий дарслардан сўнг биз ушбу мукаммал санъат намоёндаларини тушуниб етиб уларда ўрганиш имкониятини қўлга киритамиз.

Гўзал намуналарнинг нафақат ташқи, балки стилистик бетакрорлигини тушуниб етганимиздан сўнг бизнинг дарсларимиз тез ўзлаштирилади. Табиат қонунлари ва тамойиллари билан яқиндан танишиб уларни тушуниб етсаккина шахсий ҳис-туйғуларимизга кёнг имкониятлар очиб беришимиз мумкин.

Афсуски, ҳар кимга ҳам яққол индивидуаллик табиат томонидан берилмаган, бу олий истеъдод такдим этилмаган шахсларга бадий саноатнинг бошқа кўп йўналишларида ўз йулларини излаб кўриш маслахатини берган бўлар эдим. Маълум бўлишича, инсон танасини яшадан ўз фаолиятини бошлаган ҳайкалтарошлар, гуллар, нақшлар, хайвонлар ҳайкалини яшаш каби намуналар ясалиши билан иш бошлаган усталарга нисбатан, кейинги иш фаолияти давомида қийинчиликка дуч келмайди.


18 квадрат дюймли тахтадан ясалган тирговичнинг марказига вертикал ҳолатда баландлиги 9 дюйм, эни 1 1/2дан 2 дюймгача бўлган тахта фрагментини жойлаштиринг (30 расм). Тахтали фрагментга қўрғошиндан ясалган трубкани қотиринг, унинг юқори қисми бўлажак ҳайкалингизни бош суяги даражасида бўлиши керак. (30расм).

Агар кўрғошинли трубка мустахкам эмас деб ҳисобласангиз, унинг учига иккита «капалакларни» жойлаштиринг. Улардан бири бошнинг олди қисми учун бўлса, иккинчиси орқа қисми учун хизмат қилади. Каркасни мустахкамлигини таъминлаш жуда муҳим масаладир, ўқувчига бунга етказиш зарур.

Тайёр бўлган каркасни станокка жойлаб олиб, ҳўллаб лойнинг қалин қатлами билан қоплаймиз. Лойни каркасга бўйин жойидан бошлаб жойланг, уни асос қилиб олиб калланинг юқори нуқтаси даражасига қадар кўтаринг. Эслатиб ўтишим керак, вертикал трубка айнан марказ бўйича ўтиши шарт.(31 расм).

Лойдан кўтарилган устунни ён томони билан жойлаштиринг; ўлчашларни ўтказиб туриб, даҳан даражасини аниқланг уни белгилаб олинг. Лой қатламлари орасида ҳаво йиғилиб олмаслиги мақсадида кўлингиз билан маҳкам эзиб туринг. Иш бошида даҳан бўйинга нисбатан тўғри жойлашувини белгилаб олинг. Даҳан шаклини бўртириб қилсангиз, кейинчалик муаммолар пайдо бўлган ҳолда доим тўғирлаб олиш имкониятига эга бўласиз. (32 рис). Ишингизни юқори қараб давом эттиринг, ён қисмидан бошнинг орқа томонига утинг. Асосий контурларни белгилаб олиб бўлажак бошнинг овал шаклини ясаб олинг, унда сиз юзнинг барча деталлари устига иш бошлашингиз мумкин.

Ишингизни яна ён қисми билан жойлаштиринг, белгилаб олган кўкрак марказидан (*incisure jugularis*) — учта пландан иборат кўкрак профилини тулдиринг. Бошлангич иш фаолиятидаги бартараф этилган муаммолар кейинчалик ишингиздаги кўп хатоларни олдини олади. Яна бир бор эслатиб ўтаман лойга кўлингиз билан ишлов беришни унутманг, (рис. 35).




Моделни иш бошланишидан бошлаб станок даражаси баландлигига, калласини тўғри қилиб ўтказинг. Ҳайкалингиз калласи кейинчалик қайси йўналишда қараган бўлмасин моделдан бошни тўғрига қарашини таълаб қилинг.

Ишингизни режалаб олиб цирқўль ёрдамида қўйидаги ўлчовларни ўтказинг:

1) қўлоқдан қўлоқгача бўлган масофа (рис. 36 и 36а). Ўлчовларингизни қайд қилиб қўйиш учун гугуртдан фойдаланинг.

2) Модел ва ишингизни ён қисми билан жойлаштиринг, горизонтал вазиятда чўзилган қўлингизда қўлоқ чуқурчаси бурун учига нисбатан жойлашувини аниқлаб олинг. Аниқлаган нуқтангизни иккинчи томондан ҳам яна бир бор текширинг. (37 расм);



3) Қилган ўлчовларингизни ишингизга туширинг. Лойдан фиксация қилган гугуртингизни учи айнан ушбу нуқтага тўғри келишини назорат қилинг;

4) бурун учидан даханнинг энг бўртиб тўрган нуқтасигача масофани ўлчаб, эхтиёткорлик

билан цирқўль нинасини бурун маркази нуқтасига жойлаштиринг. Сўнг дахан орқали ярим айлана ўтказинг. Бир қўлингизда цирқўлни ушлаб туриб иккинчи қўлингиз билан ярим айлана марказига гугуртни тикинг. (39 расм);

5) Аввал ўтказилган ўлчовларни яна бир бора, цирқўль ёрдамида кўриб чиқинг. Агар ўлчовларда адашган бўлсангиз ўлчовларингизни қайтатдан кўриб, гугурт жойлашувини ўзгартиринг (40 расм),

6) цирқўль нинасини гугуртга ўрнатиб дахандан соч бошланган жойгача масофани ўлчаб, пешона устида ярим айлана чизинг. (41 расм);




7) Ён томондан бошлаб қўлоқдан соч бошланган жойгача масофани ўлчаб, ярим айланани чизинг. Ўлчовни икала томондан ўтказиб, чизиқлар кесишган жойга гугуртни жойлаштиринг. (42 расм).

Юқорида кўрсатилган 7 та ўлчовни ута диққатлик билан амалга ошириш керак. Имкон даражасида гугуртни лой билан копланг, ишингизни тугатмагунча уни хайкал ичига киргизиб юборманг.


Яна битта ўлчовимиз, дахандан қошгача масофани ўлчаш. Уни аниқлик билан ўлчаш учун, модел қошларнинг баландлиги тенглигини ярим айлана чизинг. Сўнг цирқўл ёрдамида ишингиздаги қошлар даражасини ўлчаб, уларни таққосланг.

(43 ва 44 расм).

Моделни безовта қилавермаслик учун олган ўлчовларингизни ёзиб боринг. Энди, каркас тўғри қурилиб, ўлчовлар аниқланганидан кейин бош сўяги устида иш бошлашингиз мумкин. Инсон танасининг аксарият қисмини суяклар ташкил этади, улар мускулларни қўллаб туради. Айнан уларнинг пропорциялари калланинг шаклига таъсир кўрсатади. Скелет ёки унинг кимларини конструкцияси нотўғри ўлчанган бўлса сиз ҳеч қачон асл нусха билан бир хилликга эриша олмайсиз. Бундан ташқари такрор ўлчашлар ўтказиш, ўқувчининг кўзини тўғри



кўришга ўргатади. Бугунги кунда кўп хайкалтарошлар мен кўрсатган услубда иш олиб боради. Тезлик билан ҳаракат қилиш учун иш аниқ белгилаб олинган йўналиш бўйича олиб бориш керак. Нуқталарни аниқ белгилаб олишни ўрганиб олган ўқувчи, бир неча дарслардан кейин иши учун зарур бўлган нуқталарни ўзи белгилаб, ажратиб олишни ўзлаштиради.



Бошқа тарафдан ўқитувчи ўқувчининг иш фаолиятини диққат билан кузатиб бориши шарт. Буни, ўқувчи ўз ишини инстинкт даражасига етказгунча амалга ошириш мақсадга мувофикдир.



Ўз ишини ўқувчи кўз косасидан бошлайди. Бурун бурчаклари томон 2 та чуқурчани белгилаб олиб, уларнинг устида қошлар шаклини белгилаб олади.





Суяклар шаклига ахамият берган холда пешона жойини аниқлаб олади. Юзнинг барча йирик қисмлар белгилаб олинганидан сўнг модел ва ишингизни ён томони билан жойлаштириб кулоқларни ясашга ўтинг. Ишнинг сўнгида калланинг тепа қисми, бошнинг орка томонини ясаб олиб, бўйин билан боғланиш жойига ўтинг.

Иш жараёнининг ушбу даражасида ўқувчи, модел ва ўз ишини баравар айлантириб, уларни бир хил нуқтада кузатиб туриши шарт. Айлантриб кузатиш деганда бирданига 180° га эмас, балки кам-кам жуда кичик масофани назарда тутдим.

Соч ясашни бошлаган пайтингизда, асосий массага ахамият беринг, сочни турли планларда ясаш керак. Сабаби сочнинг қаттиқлик эффекти детализация билан эмас, балки планларнинг кўплиги ҳамда улардаги ёруғлик ва сояларнинг турланишига боғлиқ. Берилган тавсияларга риоя қилсангиз, бир неча асбоб орқали бажарилган манипуляциялар ва лойнинг озгина қўшилмаси сочларга бетакрор тириклик ва ҳаёт бахш этади. Бош хайкали устида иш бошлашдан аввал юз атрофида сочларнинг ўсиш йуналишини яхшилаб ўрганиб чиқинг. Эсда тутинг илдизлар ёнидаги сочлар доим тўқроқ кўринишга эга.

Сочларни белгилаб, бир неча маротаба хайкалингизни чизиб олиб, барча анатомик шаклларни қўллаб барчасини боғлаб олиб, хатолар устида ишни нихояга етказганингиздан кейин турган (пол баландлиги) даражангиздан пастроқ ҳолатни эгаллаб моделнинг кўндаланг тушган

кесимларини кўриб чиқиб, хатолар бўлса тўғирланг. Ушбу муолажани нафақат пастки ҳолат, балки барча ракурслардан кўриб, хатоларни бартараф этишингиз лозим.

Эслатиб ўтаман, алоҳида эътиборни олдиндан кўринмайдиган қисмларга қаратинг. Айнан ушбу нуқталар фасни ҳосил қилади; акс ҳолда фасда кўринмайдиган деталларга ишлов бермасангиз хайкалингизни юз қисми конструкция ҳамда рангга эга бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун мен яна такрорлаб ўтаман хайкалингизни тинмай айлантириб, турли ракурслардан ишингизни кўринг, уни тепадан, пастдан, ҳамма томонлардан расмини солинг. Ҳеч қайси нуқтасини назоратингиздан чиқарманг. Бу маслаҳатларга риоя қилган холингиздагини мўмайгина меҳнат ҳамда вақтингизни олган ишингиз хайкал деб аталиши мумкин. Иш

нихоясида моделни ҳамда ишингизни ён томондан тушадиган ёруғликка

ўтказинг,

чунончи

ёруғлик ва соя

жилоси шакллар

йўналишини

аниқ кўрсатиб

беради.

Ушбу

шароитда ишлаб

туриб нафақат

расм, балки

экспрессияга

эришиш учун -



82



83

анатомик шаклга, рангга эришиш учун эса шаклларнинг соддалигига аҳамият бериб бориш шарт.

Ишингизни якунлашдан олдин хайкалнинг устки қатламини жуда юмшоқ ингичка лой қатлами билан қопланг. Бу «янги тер» барча дўнглик ва чуқурликларни анчагина юмшатиб беради. Хайкалда ажиннинг турли шакллари яратиш учун лойни эзиш шарт эмас, бармоғингиз билан юқоридан тўғри шакл берсангиз бас. Ортикча лой қотмасини олиб ташланг.



II БОБ. ФИГУРАНИ МОДЕЛГА КАРАБ ЯСАШ

Дарсларимиз давомида асл нусханинг ярим бўйига тенг бўлган фигурани ясаймиз, унинг бўйи тахминан 32 - 4 дюймни ташкил этади. Сизга тасвирлаб бериладиган каркас қисми, кўрсатилган баландликдан катта бўлган ҳайкалларга ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай баландликдаги ҳайкаллар учун каркас теккис қилиб ясалиши шарт, яъни характни инобатга олмаган холда. Агар бу қоидага риоя қилинмаса каркас лойнинг катта хажмини кўтара олмаслиги мумкин. Юқорида кўрсатилганларни инобатга олиб, катта фигуралар учун тайёрланадиган каркаснинг қўрғошинли трубкаларини темирли трубкаларга алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу жараён, ижодкорга ўз хохишига қараб ҳайкал жойлашувини, мустахкамлигига шикаст етказмаган холда ўзгартириш шароитини беради.

Каркас келажак асарнинг ўлчовларини инобатга олган холда, унга тиргович ва «капалакларни» ўрната олиш шарти билан ясалиши шарт. Яна иш давомида сизга иккита айланувчи мослама (асар ва модел учун), эни 1 дюйм, майдони 18 квадрат дюймга тенг бўлган ёғочли тахта керак бўлади. Тахтанинг тагига, иккита маҳкам река қоқилади.

Ушбу тахтага винтлар ёрдамида найза шаклидаги темир тирговични қотиринг, у каркасни ушлаб туради. Асл нусханинг учловининг ярмига тенг бўлган фигура учун темир тиргович 20X10X5 дюймга тенг бўлиши

шарт. (91, 91a расм), унинг 3 дюйми лойли плинтус билан ёпилади, тирговичнинг учи эса, ҳайкалингизнинг ўрта баландлигидан тепарок бўлиши керак. Кўрсатмага риоя қилмай, тирговични калтарок қилсангиз, унга катта оғирлик тушиб, умуман олганда арматура заиф бўлиб, унга берилган шаклни сақлаб қола олмаслиги мумкин.

Горизонтал шаклдаги деталларни калтадан кура узунроқ қилишингиз керак, сабаби вертикал қисмлар оёқларга халакит бериши тўрған гап, маслахатим уларнинг узунлиниги 9-12 дюйм қилинг.

Темир тирговичнинг учинчи қисми торсга кўп кириши керак эмас, сабаби баъзи ҳолларда фигуранинг шаклини ўзгартиришга тўғри келади, агар тирговичларингиз ҳайкалнинг учига чуқур жойлаштирилган бўлса торс ўз эгиловчанлигини йуқотиб қўяди. 5 дюйм узунлиги унга етарли деб ҳисоблайман. Шундай позалар борки, уларнинг ясалиши жараёнида темир тирговичларини орқасидан эмас, ёнбошидан қотириш керак. Темир тиргович қотирилганидан сўнг мисс симлари ёрдамида унга кўрғошинли трубкаларни ўрнатинг. 92 расм орқали ушбу жараённи тўлиқ тушуниб етишингиз мумкин. Кейинги этап — пропорциялар шкаласини яратиш. Менимча лепка учун энг қулай ва тўғри шкала сифатида қўйидаги шкалани қабул қилиш мумкин.

1) тахтада горизонтал чизиқни чизинг;

2) модел бўйини ярими асос қилиб олинг ва горизонтал чизиқда уни белгилаб четга олиб қўйинг; АВ кесимини ҳосил қилинг. АВ масофани радиус қилиб олиб, циркўл ёрдамида В орқали А нуқтасига ярим доира ёрдамида ўтказинг.

3) каркасининг ярим баландлигини ўлчаб олинг. В нуқтасига циркўл оёқчасини жойлаштириб, ярим доира орқали С нуқтасини ҳосил қилинг.

4) А ва С нуқталарини тўғри чизиқ билан бирлаштиринг, сизнинг шкалангиз тайёр. Энди уни ишингизда қўллашингиз мумкин, А марказингиздан ярим доиралар ўтказиб АВ, АС кесимларга мос бўлиши лозим; кесилиб ўтиш нуқтасидан иккинчи кесилиш нуқтасигача масофа сизга керак бўлган масштабни беради.

Чизиб борадиган ярим доираларингизни озгина чиқариб чизсангиз, уларда қайси ўлчов эканлигини қайд қилиб боришингиз мумкин. Иш давомида кўришингиз мумкин сизга тақдим этилган шкалани яратиш усули жуда қулай ва тездир. Шкала ва каркас тайёр бўлганда, каркасни станокка жойлаштиринг, аввал каркасининг жойлашуви аниқ горизонтал бўлганини текшириб олинг. Шкалани тахтани, ёнингизга қўйган мольбертга жойлаштиринг.



Айланиб турадиган станокка моделни жойланг, унинг фигура билан масофани белгилаган пайтингизда кўриниш доираси кёнглигини сакланг. Сеансдан аввал, модел толиккандан позани доимий равишда ўзгартиришини инобатга олган холда, уни яхшилаб эслаб қолишни одат қилиб олинг; поза жойлашувини ўзингиз яратиб, эслаб қолишингиз учун осонлик ҳосил қилинг.

Бу жараён сизни таянч нуқталари ва ҳаракатлар билан шунчалар яхши таништириб берадики, кейинги фаолиятингизда тўғри йўналишдан оғишингизга йул қуймайди. Иш давомида моделга тез-тез бир неча дақиқага дам бериб тулинг. Тажрибали моделлар, сиз учун сезиларли бўлмаган холда тана оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига ўтказиб туради. Тажрибага эга бўлмаган ҳайкалтарошга бу жараён сезиларли бўлмаса-да, илк мазмун

тубдан ўзгариб кетади. Бу қийинчиликни босиб ўтиш учун, позага бошидан жуда катта диққат билан қаранг, уни яхшилаб ўрганиб боринг-факатгина шу холда сиз ишингизга ҳеч қандай ўзгаришлар киритмай, факатгина унинг мукамаллиги устида ишлашингиз мумкин бўлади.


Схемада кўрсатилган ҳаракатни ишимизни бошидан тасвирлашни уриниб кўрамиз. Энг аввал позага калит вазифасини ўтаётган асосий чизикни топамиз. Бунинг учун моделнинг тўғрисига жойлашиб, отвес ёрдамида кўкрак кесими ўртасидан полгача уни туширамиз, бу вертикал чизик тана оғирлигини ўзига олган оёқни кесиб ўтади; бизнинг поздп вертикаль аксарият холларда катта сон суякнинг пастки буртирмасини силаб ўтади, яъни ички тупикни (*malleolus medialis*). Елкалар оралигида каркасга лой бўлақларини ёпиштиринг, бу билан сиз кўкрак баландлик нуқтасини белгилаб оласиз. Каркасининг тўғрисига отвес билан туриб унга оёқни акс этувчи трубани яқинлаштиринг, лой билан коплаш учун етарли жой колдириб, труба оёқ ўртасида жойлашишини назорат қилинг. Ҳайкалингизни орқа томонини бутун узунлиги бўйича умуртқани белгилаб олинг, унинг пастида эса оғирлик тушувчи оёқнинг асосий йўналишини кайд қилинг. Ушбу чизик ўзининг барча таянч нуқталари ва бурилишларида асосий фигура чизиклари билан бир бирига тўғри келади.

Ҳайкал учун асосий орқа чизиғи асосий рол ўйнайди, сабаби биз умуртқа ходасини скелетнинг марказий ва асосий қисм сифатида олишимиз мумкин. Скелетнинг турли қисмлари умуртқа билан бевосита ёки бошқа суяклар ёрдамида боғланган, айнан унга тос суягининг ҳаракати ҳамда жойлашуви боғлиқ. Ҳайкалтарош орқа ва олдининг асосий чизиқларини, расом ўзи ишни бошлайдиган нуқтани белгилаб олишганидан сўнг, иккаласи поза белгилаб берадиган контраст чизиқлари устида иш олиб бориши керак.

Берилган позада фигуранинг чизиқлари асосий ёки марказий чизиққа параллел ҳолатда бўлади. Агар марказий чизиқ нотўғри жойлашган бўлса, ташқи чизиқлари ҳам тўғри бўлмайди. Каркаснинг иккинчи оёғини ўз позициясига қўйинг, модел ҳаракати орқали юзага келган контраст чизиқларига, рельефлар контрастига яхшилаб аҳамият бериб қаранг. Сиз танлаган позада қуйидаги қонунлар келиб чиқади: Фигуранинг юқори қисми мувозанатни сақлаш учун оғирликни ўзига олган оёққа эгилади, шундай қилиб бир томон елкаси иккинчи томон елкасидан баландроқ бўлади. Сиз иккита контрастли чизиқларга эга бўлдингиз – тос суяклари қисмда ва елка қисмида.

Буни англаб олиб каркас трубкаларини керакли ҳолатга келтириш мақсадида эгинг. Энди моделни айлантириб, контрастларни орқа томонидан кўринг.

Албатта бундай контраст тананинг олд қисмида ҳам кузатилади. Яна битта детал. Моделнинг калласи бош оёқнинг томонига қаратилганлиги учун, унинг юзи елка чизиқлари билан анча фарқ қилади. (98, 99 расм).




Контрастларни яна бир бор бир-бирларига қарама-карши қилувчи холл, бу рельефларнинг контрастлари. Бундай контрастлар арматурада трубкаларни эгиш орқали белгилаб олинади.

Моделнинг боши оғирлик тушмаган бўш оёқ томон бурилганда, қош ва қўлоқлар томонидан белгиланадиган чизик ҳамда рельефлар контрастихосил бўлади. Барча мавжуд бўлган контрастларни белгилаб олиб, позага маъно бахш қилиш мақсадида қўлларнинг ҳаракати тўғрисида уйлашни бошланг.

Оёқда, сиз асосий чизикни қотиринг, бу жараёни чеварлар чизигидан (*m. sartorius*) бошлаб ички тупик (*malleolus medialis*) томон давом эттиринг. Чизик оёқнинг ташқи контурига паралел жойлашганлигини кураб, бу факт сизга оёқнинг умумий шаклини тўғри ясашга ёрдам кўрсатади. Мен кўп ишларда бу қоидаларга амал қилмаган ҳолда, деярли тугатилган ҳайкаллар гувоҳи бўлганман. Бу жуда қўпол хато. Қўлларнинг ҳаракати ва жойлашувини тўғри қайд этмасдан туриб фигуранинг ҳаракати ва жойлашувини тўғри акс эттириб бўлмайди. Айнан қўллар орқали сиз ифода қилмоқчи бўлган энергияни топишингиз мумкин. Хар бир бошлаган ишингизни композиция сифатида қабул қилинг. Агар сиз ўз олдингизга ҳайкалингиз орқали қандайдир интилиш ёки ҳиссиётни акс эттирмоқчи бўлсангиз, бор диққатингизни ишингизга қаратишингиз лозим, меҳнатингизга бўлган сабр-тоқат кейинчалик бадий ҳиссиётга айланиши тўғрисида гап. Шунинг учун ишингиз бошидан қўл ва оёқлар жойлашувини аниқлаб олинг. Ён томоннинг асосий чизиги кўкрак

қисмининг эгилиши, тос суягининг контурлари ва оғирликни ўзига олган оёқнинг олд контурининг йўналиши орқали белгиланади. (102 рис).

Баъзи инсонларнинг умуртқаси эгилувчан бўлиши мумкин; уларнинг ён томон чизиғи ҳаракатланувчанроқ бўлади. Бу кўрсаткични тўғри аниқлаб олиш учун яна отвес ёрдамига мурожаат қиламиз. (102расм). Дикқат, каркас трубкалари қийшаймаган бўлиши керак, и штаб этган жойларда (аъзолар бирлашган жойлар) аниқ эгалган. Қўлингиздан келган холларда трубкаларга сон сўяги, тос сўяги, елка ва тирсак суяклари шакллари беришингиз мумкин! Каркасингиз бошидан бошлаб суяк шакли, моделга ўхшашлик, ҳамда жонли кўриниш бахш этиб, ишингизда



ёнгиллик эратади. Менинг энг асосий маслахатим барча бошлангич ишларингизга жудда катта аҳамият ва тиришчоклик билан ёндошинг. Каркасга шакл, ҳаракат ва поза берилганидан сўнг уни лой коплмасига бурканг, бу коплама асосий контурларни, контраст ва чизиқларни белгилашга етиши керак. (104, 105расм)

Лойли плинтуснинг калинлигини 3 дюйм дан зиёд қилиш керак. Унинг марказида, марказий нуқта сифатида хизмат қилувчи тахта бўлагини жойлаштирин. Энди лойда яремли пастликдан (яремной впадины) бошлаб асосий чизиқни ўтказамиз. Ушбу чизиқ кўкракнинг маркази, қориннинг оқ чизиғи орқали (linea alba), киндикни кесиб ўтади ва

пастка қараб йул олади. Чизиқни имкон даражасида катталаштириш мумкин, сабаби бизда доим вертикалга кайтиш имкони бўлади.

ФИГУРАНИНГ ЎЛЧАМЛАРИНИ ОЛИШ


Бу ўлчамларни олишдан аввал позанинг аниқ жойлашувини аниқлаш керак; ўлчамларни олиш позани аниқлаш учун эмас, конструкцияни жойлашувини тўғри аниқлашга ёрдам беради. (106 расм).

1. Биринчи ўлчамларни олиш учун 106 масофани ўлчанг. Унга асосан ўлчамларни олишни бошлаймиз 1 —плинтусдан бошлаб тиззаусти чашкасининг юқори нуқтасигача (patella) ; 2 —подвздошли суякнинг олд ўсимтасининг юқори нуқтасидан; 3 — подвздошли суякнинг олд ўсимталари оралигидаги масофани; 4 —подвздошли суякнинг олд ўсимтасидан буш оёқда турувчи тиззаусти чашкасининг юқори нуқтасигача (patella) ; 2 —подвздошли суякнинг олд ўсимтасининг юқори нуқтасигача: 5 —тиззаусти чашкасининг юқори нуқтасидан товонгача (patella) ; 6 — оғирликни ўзига олган подвздошли суякдан кўкракнинг юқори нуқтасигача; 7 — кўкракдан қўлок чаногигача (patella).

2. Иккинчи ўлчам олиш — тизза усти чашкасининг юқори нуқтасидан оғирликни ўзига олган оёқнинг подвздошли суякнинг олд ўсимтасигача. (107расм).

3. Учинчи ўлчов олиш, тоснинг кундаланг масофасини биринчи юқори-олд подвздошли суякнинг олд ўсимтасининг иккинчисигача бўлган ўлчовни назарда тўтади. (106расм).

Бу ўлчовни кайд қилиш учун оғирликни ўзига олган оёқнинг подвздош сўяги горизонтал чизиқни ўтказинг, сўнг подвздошли суяк оғирликни ўзига олган суякда қанчалар вертикалдан пастрок бўлишини кўринг. Бўларни хаммасини аниқлаб олиб ўлчовни кайд қилинг. (104расм).



4. Туртинчи ўлчов бушт оёқнинг подвздошли суягидан шу оёқнинг тизза кўзигача олинади. (106 расм). 8 —подвздошли суякнинг олди ўсимтасидан орқа ўсимтасига; 9 —кўкракнинг юқори нуктасидан умуртқанинг еттинчи бўғинига; 10 —подвздошли суякнинг орқа ўсимталари орасидаги масофа; 11 —подвздошли суякнинг орқа ўсимтасидан умуртқанинг еттинчи бўғинига; 12 —лопатканинг акромиал ўсимтасидан тирсак сўягининг каллачасига; 13 —тирсак сўягининг каллачасидан, кўрсаткич бармоқнинг биринчи бўғинига.

5. Бешинчи ўлчаш буш тўрган оёқнинг юқори тизза кўзидан то шу оёқнинг товонига. (106 расм).

6. Олтинчи ўлчов подвздошли суякнинг юқориолди ўсимтасидан кўкракнинг юқори нуктасигача ўлчанади. (106 расм).

7. Еттинчи ўлчов учун ярем чуқурчасидан кўлоккача бўлган масофани ўлчанг. (107расм).

8. Саккизинчи ўлчовни олиш учун подвздошли суякнинг оғирликни олган оёқдаги олди ва орқа юқори ўсимталари орасидаги масофани ён томонидан ўлчанг. (107 расм). Бу ўлчовни тўғри амалга ошириш учун олди ўсимтанинг орасидан ўтказилган горизонтал чизиқни кўллаб, унинг

баландлигига нисбатан орқа ўсимтани жойлашувини аниқланг. Бу олчовни буш оёқда ҳам ўтказиш керак

9. Тўққизинчи ўлчов учун ярем чуқурчасидан бошлаб умуртқанинг еттинчи бўғинигача бўлган масофани ўлчаб олинг. (107 расм). Ўлчовни фиксация қилишдан аввал кўкракнинг юқори нуқтасидан горизонтал чизик ўтказинг; бу чизик еттинчи бўғинининг кўкрак кусимидан юқорида жойлашганини кўрсатиб беради.

10. Ўнинчи ўлчовни олиш учун подвздошли суякнинг юқори ва орқа ўсимталари орасидаги масофани ўлчанг. (108 расм). Аниқлик киритиш учун горизонтал чизик ўтказиб, буш оёқ ўсимтаси, оғирликни ўзига олган оёқдан ўсимтасидан пастлигини аниқланг (105 расм). Подвздошли суяк ўсимталарининг ўлчаш пайтидаги олинган тўртта нуқта жуда катта диққат билан ўлчаниши керак, сабаби айнан уларга нафакат кўкракнинг, балки бутун фигуранинг ясалиши боғлиқ. Архитекторлар термини билан фойдалансак, бу нуқталар фигуранинг плани вазифасини бажаради.



11. Ўн биринчи ўлчов таянч оёқнинг повздошли сўягининг орқа ўсимтасидан умуртқанинг 11чи бўғинигача олинади. (108расм).

12. Ўн иккинчи ўлчов учун лопатканинг акромиал ўсимтасидан (acromion), икала қўлнинг тирсак суякларининг каллачаларигача бўлган масофани ўлчанг. (108 расм).

13. Ўн учинчи ўлчов тирсак суякларининг каллачаларидан икала қўлнинг кўрсаткич бармоқнинг биринчи бўғинларигача бўлган масофани аниқлаб беради (108 расм). Қайтариб ўтишим керакки иш давомида доимий равишда олган ўлчовларингизни текшириб туринг, сабаби лой копланган жойларда килган ўлчовларингиз қолиб кетади. Натижада сиз ўз ишингиздан мамнун бўлмасдан, салбий оқибатларга дуч бўласиз. Мен ўқувчиларни бундай кунгилсизликдан холис этишга интилдим. Расмлар орқали кўрсатилган ва қўйидаги китобда қайд этилган ўлчовлар жудда катта ахамиятга эга. Фаолиятингиз давомида ўзингиз учун керак деб ҳисобланган ўлчовларни қайд қилиб боришингиз мумкин. Битта

огохлантиришим бор: мушак катламларидан олинган ўлчовларга ишониб алданиб колманг, фақатгина суяклардан олинган ўлчовларни аниқ дея оламан. Подвздошли суяк ўсимталарининг ўлчаш пайтидаги олинган туртта нуқта алоҳида эътиборга эга. 109 расмда бу жараён тула кўрсатилган. Ага бу нуқталар орасидаги масофалар нотўғри ўлчанган бўлса, бу ҳолда торснинг ҳам тўғри конструкциясига эришиш мумкин эмас, бу ҳол ўз навбатида оёқлар жойлашувига салбий таъсир кўрсатади. Кўкракнинг юқори нуқтасидан то умуртқанинг еттинчи бўйин бўғинигача қилинган ўлчовлар бўйиннинг орқадан олди томонигача бўлган масофанинг чуқурлигини беради - бу икки нуқта тос суякларининг тукнашган жойдан тепада туради. (110 расм). Бу эгри равишда жойлашган туртта нуқта торснинг олд ва орқа мускулларини кискартуви ёки чўзилишига сабаб бўлади. Еттинчи бўйин бўғинининг жойлашувини аниқлаб, умуртқанинг ярим доира чизиғи ёрдамида тос белбоғи билан боғланг. Ушбу чизиқ ҳар хил одамларда турлича бўлади. (111 расм).

Бел худудидаги ҳаракатни кузатиб, бел бўғинларига нисбатан тос тўғри бурчакда жойлашганлигини гувоҳи бўламиз. Юқорида айтиб утқанимдай умуртқа, скелетнинг асосий ва фундаментал қисми деб ҳисобланиши керак. Умуртқа 24 бўгиндан иборат: 7 бўйин бўғини, 12 кўкрак бўғини ва 5 бел бўғини. Умуртқанинг ҳаракатини бўйин ва бел худудларида кузатиш мумкин.

Кўкрак бўғинлари, қовургалардан ташкил топган ва деярли ҳаракатсиз кўкрак қафасини (thorax) қўллаб турганлиги сабабли жуда ҳаракатчан. Умуртқанинг юқори қисмидаги суяклар бош суягини ушлаб туради. Умуртқанинг пастки қисмига тос белбоғи қотирилган. Оёқлар суяклари тос белбоғига қотирилади.


Юқорида айтилганларни инобатга олиб, фигурани тўғри қуриш учун, повздошли суякнинг олди ва орқа ўсимталари бир-бирларига нисбатан жойлашуви ҳамда ярим бўрттирмаси умуртқанинг еттинчи бўғинига нисбатан жойлашувиларини назорат қилишга бевосита боғлиқ. Ушбу иккита бир-бирини кесиб утган чизиқларни устма-уст жойлашиб, умуртқа билан боғланганлигини тасаввур қилиб кўринг. Унинг ҳаракати бел жойлашуви худуди крестец (sacrum) устида ва умуртқанинг еттинчи бўғини остида амалга оширилади: охиргилари бошнинг жойлашуви еки бошнинг ҳаракати учун жавоб беради. Нуқталарни аниқлаб олиб, кўкракнинг ён томонидан тавсиф беринг, шуни инобатга олиш керакки унинг майдони орқа ва олдиға йўналтирилган. Шундай қилиб сиз кўкрак қафасининг олди деворидан орқа деворигача бўлган чуқурликни аниқлаб

оласиз. Кўкрак қафасини ясашдаги сўнгги нуктасини, умуртқани кўкрак билан, қовурғалар ёрдамида боғлаш билан қўйинг.

Эсда тутинг, фигуранинг барча позаларида кўкрак қафасининг шакли симметрик бўлади. Умуртқа ва кўкрак қандай эгри ҳолатни эгалламасин, сиз кўкрак қафасининг иккила томонини симметрик ҳолда ясашингиз керак. (112 расм).

Агар сизқовурға четидан кўкракга нисбатан тўғри бурчакда чизик ўтказсангиз, кўзингизга кўкрак қафаси томонларининг симметрик ҳолати кўзингизга ташланиши керак; шу билан бир қаторда кўкрак қафасининг пастки чети йўналишидан подвздош суякнинг **гребёнидан** томонга қараб кетган яна бир контрастни кўрасиз.

Елканинг чизиғи кўкрак қафасининг пастки чизиғига параллел бўлади. (104 расм); кўзгазма учун мен танлаган позада ҳам кўришингиз



мумкин, иккита елка ўсимтасини (processus acromialis) боғлаб турувчи **лопатка**, қовурға четига нисбатан параллел жойлашган (елканинг мускуллари кўтарилган қўлнинг ҳаракати ортидан йуналади, елканинг ўзи эса умуман кўтарилмайди).

Кўкрак қафасининг симметрик ҳолати умуртқага нисбатан барча ҳаракатлар давомида сақланиб қолади, курак қафаси билан боғланган ялпи мушаклар унинг шаклини такрорлашларини инобатга олсак, кўкрак қафасининг нотўғри жойлашувида мускул шакллариининг жойлашуви масаласида ҳеч қандай мукамаллик тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Фигуранинг моделировка қилиш жараёнида кесилган чизиклар теккислиги (плоскость сечёния) бизга ёрдам кўрсатади, у иккита **ключица**, **лопаткалар** (scapula) ҳамда умуртқа орқали утган (114 расм). Талабалар ўз ишларида ключицани S шаклида қилишни урнига, уни теккис қилиб ясаб қуядилар. Бу ҳолда кўкрак қафасининг суяклари ялпи бўлиб

кўринади, елкалар эса доира шакли фониди паст рельеф таасуротини хосил қилиб, олдида сўрилган бўлиб кўринади. Ключицанинг кесилишини тўлиқ ўрганиб чиқиб бу таасуротдан қутилиб коласиз.

Шундай қилиб, сиз тананинг юқори поясининг планини оласиз, тоснинг кесилиши пастки пояснинг планини беради; икки пояс ўз ўринларига жойлашса, уларнинг аъзолари ҳам ўз ўринларини топади.

III БОБ. ҚОМАТ ЎЛЧОВЛАРИ

Энди, формалар характеридаги контрастларга, текисликларнинг йўналишларига назар ташлаймиз. Мускулларнинг толалари скелетни коплаб, ташқи формалар хосил қилишда ва уларга алоҳида ўзгачаликни беришда иштирок этиб келади.


Табиатнинг барча асарлари аниқ бир қонунга бўйсинади, аниқ термин киритилмаганлиги сабабли мен уни радиация қонуни деб атаман; Бошқача қилиб айтганда барча чизиклар битта ягона марказий нуктада бирлашиши хусусиятига эга, ёки агар сизга бундай кўриниш яқин бўлса, барча чизиклар умумий нуктадан тарқалади. Шу каби марказлар нафақат инсон танасида, балки драпировка, гуллар ва дарахтларда ҳам мавжуд. Дельшаклидаги ва катта кўкрак мускулига қарайлик. Кўришимиз мумкин бу иккала катта мускул битта нуктада елка суягига қотирилади, қотирилиш жойидан мускул толалари дельташаклидаги толалар орқали **ключицага** ва акромиал ўсимтага; орқа томондан эса лопатканинг бутун қисмига бириктирилган.

Бу иккала мускул бир нуктадан тарқаб тананинг аксарият қисмини қамраб олади, улардаги ҳаракат ва радиация эса иккита каллали (*m. biceps brachii*; 119 расм) мускулнинг вертикал йўналишдаги параллел толалари аро яққол контрастни хосил қилади.

Агар сиз торснинг мускул толаларининг ҳаракатига аҳамият бериб қарасангиз, кўкрак мушагининг толалари юқори қисмида **ключицага** қотирилганлиги ва у босқичма-босқич кўкрак ҳамда қовургалар томонга тушиб боришининг гувоҳи бўласиз. Олди **зубчатый** мускулнинг *m. serratus anterior*) ва қориннинг ташқи эгри мускулнинг (*m. obliquus abdominis externus*) толалари, худди шу йўналишда торснинг пастки қисмидаги подвздош суякга қотирилади. Бу ерда биз яна радиацияга дуч келамиз, унга контраст сифатида қориннинг мускулларини олсак бўлади — бу мускулнинг толалари икки каллали елканинг мускулига ўхшаб вертикал йўналишга эга. (120 расм).

Ушбу йўналишлар контрастлари кўп ёки кам ҳолларда фигуранинг барча жойларида мавжуд, уларни кузатиб бориб биз бу контрастларни яққол ифода қилишга муяссар бўламиз. Айнан шу ҳол, укув этюд, ҳайкаллар ва рассомчиликда теккисликни талаб қилиш каби аклсизликга йўл қўймасликни талаб этади, аксинча биз қураётган формаларимизни аск этишдан аввал анализ қила олишимиз, улардаги шаклларни пайдо бўлишининг сабабларини топишга интилишими зарур.


Биз, қандайдир трюклар орқали лойни полировка қилиш, бархатли



тёнлар ёрдамида ранглари акс этиш каби муолажаларни амалга ошириш орқали бебаҳо вақтимизни йукотамиз. Бундай трюкларга мурожаат этиб сиз ҳеч қачон ютукларга эришмайсиз! Таъкидлаб ўтишим зарур бўлган иккита масалага тўхталиб утмоқчиман, уларга кам аҳамият берилиб, кўп хатоларга йўл қўйилади. Гап қўл ҳақида кетмоқда — унинг икки каллали ва уч каллали мускуллари, яъни—бицепс ва трицепс. Бицепснинг толалари **сухожилияга** ўтар жойларида горизонтал чизикларни ҳосил қилмайди; у ташқи ҳамда ички томонлардан эгри чизикни ҳосил қилади ҳалос. Иккикаллари мускулнинг сўхожилиясидан ҳосил бўлган эгри зичлаштирилган юза ички томонидан

клювовидно-плечевой мышцы (*m. coracobrachialis*) билан кучайтирилган бўлиб ҳайкалда яхши кўриниб туриши керак. Агар бу эгри чизик яққол намоиш этилмаса, таасўрот сўнғий ва ёкимсиз бўлиши мумкин. (121 ва 121а расм).

Учкаллали мускулнинг **сухожилияси** (triceps brachii) елка суякнинг чизиғи бўйича эмас, ундан эгрирок холда жойлашган бўлади, бу сўхожилия ва қўлнинг йўналишлари ва қўлнинг умумий йўналиши бўйича контрастни юзага келтиради (122 ва 122а расм). Расм солишда, худди хайкал яшашдагидак инсон танасининг турли қисмларини характерини ифодалаб беришингиз керак. Билишимизча, суяк, пай, сўхожилия, мускул ва тула жойларнинг турли каттиқ-юмшоклиги, юзага таъсир кўрсатувчи эффектларга олиб келади. Қўлнинг елка сўягининг формаси, елкаолди



қисмдан кура туларок бўлади, сабаби елкадаги сўхожилиялар толали ёки гуштли жойларга нисбатан калтарок бўлади. Елкаолди қисмда эса улар узун ва кўп жойни эгаллаб турувчи. Худди шу қоида тананинг пастки қисмига (нижние конечности) нисбатан ҳам ишлайди. Тананинг турли формаларига назар солиб қарасангиз, кўкрак қафаси ҳаракатнинг шаклларига қараб қорин қисмига нисбатан хилмахил бўлади, сабаби унда суяклар эмас мускуллар аксарият қисмни ташқил этиб келади. Бу характерлардаги фарк кўкрак қафасининг бакувватлигини кучайтириб, бир вақтнинг ўзида юзанинг турли шаклларин ҳосил қилиб кўзга тинч

формаларни кўриб, дам олиш имкониятини яратади. Скелетнинг суяклари подвздош суякнинг гребёнида яна юзада кўриниб, тананинг пастки қисми конструкциясида мустахкамлик кўринишини яратиб беради.

Тузилмаси бўйича мустахкам ҳисобланувчи курак қафаси ва тос, ўзаро қориннинг юмшок ва ялпи мускуллар билан ажратилган бўлиб, бизга торснинг ҳаракати айнан шу эгилувчан ва эластик ўрта қисмда концентрация бўлишини кўрсатади. Елканинг орқа қисмида умуртқанинг бел қисми жойлашган, улар умуртқанинг энг ҳаракатчан қисми ҳисобланади. Антик фигураларга назар солсак, улардан кўкрак қафаси ва қорин ўртасидаги контрастни мрамордан ясалган Иллиус ҳайкали яққол намоиш этади. Унинг ҳаракати бетакрор аниқлик билан бажарилган, қорин формаси эса шу қадар аниқ ясалганки, унга қараб санъатнинг бебехолигини кўзатишимиз мумкин. Қорин формаси мушак толалари орқали кўрсатилиб, талаб даражасида юмшок ва буш қилинган бўлсада, ундаги эластик хусусият сақланиб қолган. Қорин ягона катта массани ҳосил этиб, унинг устида бакувват кўкрак қафаси конструкцияси жойлашган. Ушбу ажойиб фрагмент, катта илҳом тулкинида яратилган деб ҳисоблайман, чунончи унда бош қисми йуклигига қарамай, бу ижод намунасини муболағасиз экспрессия мужизаси деб аташимиз мумкин. Мен куркмай айтишим мумкин бух айқал мавжуд бўлган барча намуналар ичида энг мукаммали бўлиб, ўрганиш учун яхшироқ моделни топиш мумкин эмас. Энди, баъзи ҳайкалтарош усталар бадий ижод талаблар босими остида, ҳайкалдаги бурттириб кўрсатган қисмлар тўғрисида тўхталиб утсам. Уларни мен, баъзи формалар аро тинчлик зоналари деб атайман. Нейтрал зоналар фигуранинг барча қисмларига нафислик бахш этади.

Масалан қўлга ён томонидан қаранг. Агар делта кўринишидаги мускулнинг контури иккикаллали мускул билан туташган жойда бурчак ҳосил килса, иккикаллали мускул ўз навбатида пастки қисмда жойлашган бўлиб супинатор (*m. supinator*) массаси билан бурчак ҳосил қилиб тукнашса, ухолда қўл оғир ва эластик кўринишга эга бўлмайди (123 расм). Мен айтиб утган қонунларга риоя қилиб, йирик формаларни тинчлик зоналари орқали ажратиб куйсангиз, бундай формалар эластик ҳамда нафис кўринишга эга бўлиши тўрган гап. (124 расм).

Тинчлик зоналари нафакат ташқи контурда, балки сечёнеяларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Кўкрак қафасининг кесилмасини (сечёние) олсак кўкрак мускуллари ўзаро ялпи кўкрак зонаси ёрдамида бўлинган бўлса, умуртқа эса бел мускуллари ёрдамида бўлинган (126 расм). Агар икала кўкрак мускуллари

кўкракнинг марказига, бел мускуллари эса умуртқанинг марказига қотирган холда, уларнинг кесишган нуқтаси кучсиз ва нафис бўлмаган бўларди. (127 расм). Суяклар юзага чиққан жойларда, ёки бошқача қилиб айтганда суяклар тер остида жойлашган бўлган жойларда расмда яққол кескинлик кўзатилади.

Тинчлик нуқталари одатда суяк ёки мускуллар орқали ифодаланади. Шу сабабли бу мустаҳкам ва турли формадаги юзалар, мустаҳкамлик таасўротини уйғотади. Бундан ташқари улар фигурага рангбаранглик киритиб, формалар жилосини келтириб беради. Гўзал қадимги ҳайкалларда, хусусан Ватикандаги Бельведер торсида шу тамойилни ишда кўришингиз мумкин. Нигохингизна нафакат контур: тинчлик интерваллари барча йирик мускуллар ичида кўпроқ ёки камроқ ҳолатда белгиланган, шунинг учун ушбу торснинг ривожланган мускулларига қарамай ҳайкал эlegant, эгилувчан, ва нафис кўринишга эга. 126 расмда торс орқали «тинчлик зоналари» кесилиши кўрсатилган. 127 расмда хуру «тинчлик зоналарисиз» кўрсатилган. Қайтараман, ушбу массани бўлиб келувчи



тинчлик интерваллари ҳар қандай фигурада мавжуд, уйлайманки энди сиз тинчлик зоналарини мен кўрсатиб бермаган жойларда ҳам қўллайсиз.

Моделлаштириш — бу нафакат ҳайкални ясашдир; бу термин нафакат рассомчилик асарларига, балки скульптура асарларига ҳам қўлланилади. Биз қўл, оёқ, бошларнинг яхши ва ёмон моделлаштирилиши тўғрисида айтмоқдамиз. Рассомчиликда чиройли моделлаштириш расм ва рангларга боғлиқ. Моделлаштириш деб-ранг ўйини орқали қаттиқ тананинг барча формаларини кўрсата олишга аталади.

Ҳайкалтарошликда мохир рассомчилик ва шаклдан шаклга ўтишга боғлиқ; бундай мохирликка тер тагида жойлашган тананинг қисмларини анатомик тузилмасини мукамал ўзлаштириш орқали эришиш мумкин. Сабаби айнан мускуллар ва уларнинг толаларининг ҳаракати бу маркада тўғри етаклайди.


Формани яшаш учун уни аввал соялар ва яримсоялар ёрдамида чизиб олиш керак. Бундай соялар юзанинг турли тезликда килган ҳаракати натижасида ҳосил бўлиб, радиация орқали форманинг юзаси бўйлаб

таркайди. Намуна сифатида кўкрак мускулини оламиз. Агар ёнгил эгрилик билан ясашни бошласангиз, тўғри моделлаштиришга эришолмайсиз. Шулар билан чегаралансангиз, мускулларни урнига ҳаётсиз тахтани қўлга киритасиз, агар унга форма киритишга урунсангиз асарингиз рахта тулдирилган ёстикка ўхшаб қолиши тўрган гап. Иккинчи тарафдан, сояларни ўрганиб чиқиб, уларда бёнихоят формаларни белгилаб олиб, уларда турли моделлаштириш ва ҳаракатлар рангбаранглигини яратиб оласиз. Планларнинг барча ҳаракатлари ясаб олингандан сўнг, фигурани тер билан коплашингиз керак; ушбу услубда ишлаб сиз асарингиздаги ҳаётбахш соддаликка эришасиз. Қарамакарши услубни қўлласангиз аксинча ёмон натижага олиб келиши мумкин. Бундай планларни ишлаб чиқиш жараёнида фигурани олди, орқаси ва ракурс ҳолатларини яхшилаб ўрганиб чиқинг. Бутун юзани моделлаштириш давомида унга пастдан қарашга мажбур бўласиз, бу эса ўз навбатида асарингизга тугатилганлик ва бой кўриниш бағишлайди. Ишингизни ушбу даражасида соя ва яримсояларнинг нисбий маъноларини солиштиришингиз керак.

Агар соя ўта қора рангда бўлиб кўрингани билан, чуқурлик даражаси кўплигидан далолат бермайди; кўп ҳолларда бунинг сабаби ёруғлик ва соя ўртасидаги бурчак ўткирлигидир. Соя ёруғроқ кўринган ҳолда, бурчак ўтмасдир. Бурчакларнинг ўрганилиши жуда зарур. Бурчакнинг ўткир ва ўтмаслигини, пастдан қарабгина, яъни кесилиш нуқтасида (сечёние) кўзатиб бориб аниқлаш мумкин. Қуюқ сояга эришиш учун, бурчак ўткирлигига аҳамият бериб, уни ўткирроқ қилинг. Ҳайкалтарошнинг политраси ок ва кора тонлардан иборат, барча бошқа тонлар ёругликнинг тушиш бурчагига ва унинг акси тушишига боғлиқ. Формани камраб олган яримтонларни ҳеч қачон ингичка килманг-бу улардагибахайбатликни йукотади. Асарингизни кёнгайтириш бўйича фикрларингиз бўлса, яримтонларни ҳам кёнгайтиришга мажбур бўласиз. Контурни чизаётган пайтингизда, фикран фигуранинг тесПари томонига чизигингизни олиб боринг. Масалан белнинг квадрат мускули (*m. quadratus lumborum*) ҳамда лопаткадан ҳосил бўлган ён томоннинг умумий чизигини олинг, сўнг бу чизикни фигура бўйлаб давом эттиринг, оёқ контурига нисбатан ҳосилмани кўзатинг (128 расм).

Трапециякўринишли мускулнинг контури билан ҳам худди шу муолажани амалга оширинг, факат бунда елканинг кёнг мускули чизигини нисбий ҳосилмани кўзатинг (*m. latissimus dorsi*; 129 расм.).


Кўкрак қафасининг контурининг олд қисмини ўзайтириб, ташқи эгри ва ички чизиклар билан нисбийлик даражасини кўзатган ҳолда (*m.*



Obliquus abdominis externus et internus; 129 расм). Оғирликни олган оёқнинг орқа контури орқали, олди қисмининг контурини чўзинг (128 расм).

Дельта кўринишдаги мускулнинг елкаолди қисми контурига нисбатан таккосланиш даражасини кўзатинг (130 расм). Бундай чизиклар фигуранинг барча томонларида ўтказилиши мумкин. Буни 131 расмда кўришингиз мумкин; улар формалар ўртасидаги нисбийлик даражасини аниқлаб асарингизнинг нафислигини таъминлаб беради. Бундай чизикларни бёнихоят ўтказишингиз мумкин. Мен факат бир нечтасини кўрсатиб тўғри тушунган бўлса колган

бердим, аминман агар талаба мени чизикларни у ўзи топиб олади.



ТАҚҚОСЛАШ ПРОПОРЦИЯЛАРИ

Студияда тирик модел билан ишлаш жараёнида баъзи китобларда кўрсатилган пропорцияларни қўлланилишидаги параметрларга мен катъиян қаршиман (масалан шунча бармоқлар, қўлнинг узунлигини таъминланиши бўйича). Ушбу кўрсаткичларни иш жараёнида қўллаганимизда, ишимизнинг характер ва индивидуаллигини йукотган бўлар эдик. Композициянинг устида ишлашдан аввал, бир нечта таккосий пропорцияларни мукамал билиб олсангиз жуда кўп кўпол хатоларни четлаб ўтишингиз мумкин. Баъзиларини схемада кўришингиз мумкин (132 расм). Кейинги ўлчовларда биз минимум ўзгариш ҳамда фаркни кўзатишимиз мумкин.

Оёқ: товоннинг энг юқори нуқтасининг пастки томонидан тизза кўзининг юқори четигача бўлган масофа, оғирликни олган оёқнинг тизза кўзидан подвздош суякнинг **гребёнигача** бўлган масофага тенг. Менинг кўзатишимча оёқ узун бўлган холда, ердан тизза кўзининг юқори нуқтасигача бўлган масофа тизза кўзининг юқори нуқтасидан подвздош суякнинг олдидаги юқори ўсимтасигача бўлади.


Таққосий пропорциялар 1 — плинтусдан бошлаб тизза усти кўзининг тепасигача (patella); 2 — тизза усти кўзининг марказидан подвздош суякнинг ўсимтасигача; 3 — **пешона** чизигидан кўкракнинг юқори нуқтасигача. Бу кўрсатилган учта масофалар бир-бирига тенг бўлади; 4 — лопатканинг акромиал ўсимтасидан бошлаб, то кўрсаткич бармоқнинг биринчи бўғинигача бўлган масофага туртта калла жойлаштирилиши мумкин; 5 — лопатканинг акромиал ўсимтасидан тирсак сўягининг каллачасигача бир яримта калла жойлаштирилиши мумкин; 6 — тирсак сўягининг каллачасидан, бармоқнинг биринчи бўғинигача бўлган масофага бир яримта калла жойлаштирилиши мумкин; плинтусдан, тиззаусти кўзининг юқори нуқтасигача иккита каллани жойлаштириш мумкин; тиззаусти кўзининг марказидан подвздош суякнинг ўсимтасигача иккита каллани жойлаштириш мумкин. Товондан тиззи кўзининг юқори нуқтасигача бўлган масофа, **ярим чуқурлигидан пешона** сўягининг юқори четигача бўлган масофага тенг.

Содда қилиб айтганда бу учта ўлчов бир-бирига тенг. Кейин: тизза кўзининг юқори нуқтасигача бўлган масофадаги оёқ узунлиги иккита калланинг размерига тенг, худди шу масофани тизза кўзининг марказидан подвздош суякигача олишимиз мумкин.

Қўл: қўлни чўзилган ҳолатида елканинг тепасидан бошлаб, кўрсаткич бармоқнинг биринчи бўғинигача бўлган масофа ичига учта каллани

жойлаштириш мумкин; Узун кўлда учинчи калла, биринчи бўғиннинг ўртасигача етади.

Одатда бир яримта калла елканинг тепасидан тирсакнинг каллачасигача жойланади, яна бир яримта калла тирсакдан бошлаб бармоқларнинг биринчи бўғинигача бўлган масофага жойлаштирилади. Ишингиз учун кўрсатилган пропорциялар энг қулай ва тўғри деб ҳисоблашга барча шарт-шароитларим бор, лекин ишингиз давомида моделнинг ўзига хос бўлган шахсий хусўсиятларини излашга чарчаманг. Айнан шунда бадий ўрганиш жалб этилган ва уни устида тинмай ишлабгина сиз ўзингизда кўзатувчанлик тарбиялаб, зарур бўлган билимларга эга бўласиз.







IV БОБ. ҲАЙКАЛ

Мен юқорида айтиб ўтганимдай, ҳайкалнинг устида иш олиб боришнинг илк дақиқаларидан бошлаб, лойни кўп қисмда ёпиштирманг, этюдингиз ингичка ва нозикрок бўлаверсин, кейинчалик керак бўлганда хохлаган хажмда лойни коплашингиз керак. Позани аниқлаб олганингиздан сўнг, суякларнинг аниқ пропорцияларини, уларнинг узунлиги белгиланг, кўкрак қафасига нисбатан эса уларнинг чуқурлик ва энига масофасини ўлчаб олиш керак. Суяклар ҳайкалтарошга нафакат ўзгармас нуқталар, балки шакл ва хажмларнинг ҳаракатини аниқлаб берадилар. Архитекторлар термини билан айтганда суяклар ҳайкалда каркас вазифасини бажариб келади. Суякларнинг буртиб чиққан қисмларини узунлиги ва энига фиксация қилиб олиб, биз фигуранинг **остовини** хосил киламиз, унда бизга бошлангич нуқталар ва мускулларни қотириш жойлари яққол кўринади. Шунда миология бўйича олган барча билимларимиз фигуранинг таркок деталларини ягона мукамал бирликга йигиб олишга имкон яратади. Суякларнинг эгилувчан шакллари инсон танасининг барча аъзоларида ўз аксини топади. Мускуллар кўп ёки кам даражада гушт билан копланган бўлиб, суякларнинг эгилган чизиклари бўйича ҳаракатланиб боришига қараганда, қўл ва оёқларнинг шакли асосан суякларнинг шаклига боғлиқ. 115 расмда елка (humerus) ҳамда тирсак (ulpa) суякларининг шакли, қўлнинг шаклига кўрсатган таъсирини кўришингиз мумкин. 116 расмда эса, оёқнинг шаклига ён ва тўғри томонларидан бедро (femur) ва катта сон суякнинг (tibia) таъсирини куриб борасиз.

Ушбу суякларнинг шаклини билмайдиган талабани бир тасаввур қилиб кўринг. Унинг ишини қандай муаммолар кутмокда? У бир шаклнинг устига иккинчи шаклни бостириб бориб, ҳеч қандай аниқлик ва гўзалликка эриша олмаслиги тўрган гап. Мен буни асосий чизиғи бўлмаган нақшга ўхшатишим мумкин, ундаги барча гул ёки барглар тасодифан пайдо бўлиб, чалкашликка сабаб бўлади.


Менимча, тананинг ташқи формаларин яхшилаб ўзлаштириш учун скелетнинг ҳаракатини бўлгилаш мақсадида остеология, миология каби йўналишларни мукамал ўзлаштириш шарт. 1 қисмда айтиб утган сўзимни кайтараман, анатомия бизга инсон формаларини тузилмасини ургатса, тирик модел индивидуал характерда бу қонунларни амалда

кўрсатади. Эсда тутинг, моделнинг жинси ва ёшидан катъий назар бир хилдаги суяклар, мускуллар ва **связкалар** бўлади. Шунинг учун анатомия соҳасидаги билимларни мукамал ўзлаштириш умумий тартибларга йул очиб беради, аммо шуни едда тутинки хар бир модел ўзининг хусўсий аспект ва индивидуал характерга эга. Айнан шу индивидуал характерни ижодкор ўз ишида кўрсата олиши керак. Факатгина анатомияни яхши била туриб бебахо санъат асарини ясатиш мумкин, деган фикра борсангиз, хато килган бўласиз. Йук, анатомия санъатнинг яқин дусту халос, унинг ўзлаштирилиши сизга шакллар ва контурларни келиб чиқиши тўғрисида тушунчаларга эга бўлишингизга имкон яратиб беради; у этюдларимизга куч, тиниклик ва идода киритиб беради. Объектларни тўғри ифодалаш учун, уларни яхшилаб ўрганиб чиқиш лозим. Сиз уни факат аклий кўзингиз билан кўришингиз мумкин, агар маъносини тула тушуниб олмай туриб уни чизиб олган бўлсангиз, томошабин хам ижодингиз хосилини тушуниши қийин бўлади. Ўз сўзимни бир донишмандни сўзи билан яқунламокчиман: «Саводсиз қарайди, акилли куради».


Табиатни нусхасини тушуриш учун уни яхши тушуниш ва курата олиш лозим. Дарсларингизни илк кунларидан фигурани геометриясини яхшилаб тушуниб олинг, у ракурслардаги ўзгаришларга қарамай реал ва доимийдир Намуна сифатида колоннанинг капителини олинг. Ракурда қарасангиз хам у ўзининг аниқ пропорцияларига эга: баланлиги, эгни ва хажми, бошқача қилиб айтганда ўзининг геометрик конструкциясига эга. Агар сиз бу конструкциянгизга ишингизнинг бошидан керакли ахамият бермасангиз, фигурани кўриш учун қандай точкаларни танлаш масаласида тугилган ишончсизлигингиз ушиб боради.


Энди диққатингизни қорин мускулларининг (abdomen) ҳаракатига қаратмокчиман. Яъни, оғирликни олган оёқ томонидан қилинган кискартирилиши, буш оёқнинг томонидан чўзилиши ва ўзайиши каби томонлари.

Шунга ўхшаш мускуллар кискариши оғирликни олган, **ягодичная мускулида** (m. Glutaeus maximus) кўриш мумкин бўлса, унинг чўзилишини эса буш оёқнинг шу мускулида кўзатиш мумкин.
















V БОБ. ЭСКИЗЛАР УСТИДА ИШЛАШ

Айлана пластикасида фигурани яшаш учун юқорида кўрсатилган симлардан қилинган кркасдан фойдаланиш керак; таянч қисми темирдан, бошка қисмлари эса мисс симлари ёрдамида қотирилган қўрғошинли трубкалардан қилинади. Бу эскизлар лой, пластилин ёки мумдан ҳам ясалиши мумкин.

Мисс симли каркаснинг яхшилиги лойли каркасдан кура секин кўришидадир. 10 дюймли фигура учун қўрғошинли трубкаларни икки ёки уч каватли мисли симга алмаштиришингиз мумкин. (291 расм); улар



камрок жойни эгаллаб, материалнинг огирлигини яхши кўтаради; яна улар жуда эгилувчан. Каркасни керакли характ ҳолатига келтириб олиб (292 расм), ишингиз учун танлаган материалнингизнинг озгина қисми билан копланг, ишнинг бу этапида фигурангизни хар томонлама, керакли позани танлаб олганингизга кадар куриб, ўрганиб туринг (293, 294 расмлар).



Лой ёки мумдан ясалган ишлов берилмаган массани хоҳлаган шаклга солишингиз мумкин, — у сизга ҳаракат гўзаллигини кўрсатиб бермайди; шунинг учун сизга жуда катта эҳтиёткорлик керак бўлади- у бир вақтнинг ўзида сизнинг қўллаб туриб иккинчи томондан эса композициянгиз асосида ётган гоёни аниқлик билан кўрсатиб беради. Мен ўқувчиларимга, ишонч ҳосил қилиш учун кўрсатган услубларимдан четга чиқиб кўриш масхатини бераман. Шунда айтиб келаётган қоидаларимни амалда ижобий томонларини кўзатишлари мумкин бўлади. Баъзида, ўқувчилар ҳайкалтарош ва унинг устахонаси, Геракл тозалаган отхоналарга ўхшаши керак деб ҳисоблашади; ижодкор, айниқса аёллар бу фикрга қушилмаслиги керак. Мен бунда ишга бўлган беҳурматликни кураман ҳалос. Аксинча ўзингизни ҳамда бўлажак асарингизни тозалик ва гўзаллик билан ураб олинг, нигоҳингизни ўзига тортиши мумкин бўлган керакмас нарсаларни олиб ташланг. Бу маслахатларим қандай ноурин кўринмасми уларга ўзини ҳурмат қилувчи ҳайкалтарош албатта риоя қилади деб ўйлайман. Фигуранинг расмини ҳаракатини ўрнатиб олиб, танлаган персонажингизни характерини тўғри ифодалаб берувчи пропорцияларни тўғри белгилаб олинг, чунки Геркулес учун лойиқ бўлган фигура Аполлона ёки Гермес учун тўғри келмаслиги тўрған гап. Сўнг бош ва соч турмаланишага аҳамият беринг, ушбу —момент, ҳайкалингиз стили учун энг зарур дақиқалардан бири (293 294 Каркас лой билан копланган «Лиранинг биринчи овози» фигураси), арағ соч жойлаштирилиши бемаза дидни акс эттирса, бу бутун ҳайкалингизга тарқалишини инобатга олинг. Плинт ҳам



катта ахамиятга эга; унинг хажми унга ўрнатиладиган фигура хажмидан катта бўлиши керак эмас; статуянгизнинг савлати ҳамда нафислиги плинтнинг кичиклигига қараб белгиланади; ва аксинча катта плинт ҳайкалингизни кичик қилиб кўрсатиб қўйиши мумкин.

Фигурани драпировкага ўраш керак бўлса, у холда рельеф этюди учун қўлланиладиган услублардан фойдаланинг, яъни бошка каркасда худди шу ўлчовда кийимсиз фигурани ясаб олиб драпировка ни унинг намунасида бажаринг. (295 296 Схема). Ҳайкалда, рельефдан кура драпировкаларни жойлаштириш анча мураккаб, сабаби ҳайкалда у ҳар томонлама яхши кўриниши шарт, рельефда эса

унинг кўринишини бахоланиши бир томондан амалга оширилади.

Драпировкани жойлаштирилишига катта аҳамият беринг, агар бита бурмалар катори иккинчи бурмалар каторидан окиб чиқса асарингиз нафислик ва гармонияга эга бўлади. Агар юқорида айтилганларга риоя қилмасангиз гармонияни йуқотиб, аниқсиз равишда бир ёки бир неча яшхи ётган бурмаларга эришасиз халос. Фигурани яшаш пайтида композиция аъзоларига бир хилдаги ҳаракатлар бермасликга ҳаракат қилинг, айникса тўғри бурчак остида; бу композициянинг контурларига кўпол кўриниш бериб, ундаги бирликни йукотади. (295 расм).



Тизза чўккан ҳайкални ясашда, оёғи йўқ одамни эслатувчи асарни ясаб қуймасликга ҳаракат қилинг (296 расм). Позани, томошабин ҳар томондан оёқларни курадиган килсангиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фигура тоғ бўлагиди утириши ёки унга тирмашаётган ҳолатда кўрсатилган бўлса, тоғ қисмини жуда катта қилиб қуйманг (297 расм), акс ҳолда ундаги фигура ўйинчок кўриниши эга бўлиб, ҳайкал кўринишини йўқотади. Қисқаси, айлана ҳайкалда фигурадан ташқари ҳар бир нарса детал сифатида кўрилиши керак, ва бу деталларга катта аҳамият ва кўриниш бериш керак эмас. Шунга қарай ҳар бир детал яхши дид билан ясалиши керак. Фигура учун позани танлаш жараёнида рассом санъатида қўлланиладиган материалнинг хусусиятлари билан боғланган ҳалос. У фигуранинг жойлашувини материалга қараб ўзгартириши керак. Гуруҳли композиция тўғрисида сўз юритишдан аввал, ишлатиладиган материаллар тўғрисида бир оғиз тўхталиб ўтишим керак деб ўйлайман. Ҳайкалтарошликда одатда тўртта материал ишлатилади: тахта, мрамор, бронза ва терракота.





VI БОБ. ҲАЙКАЛТАРОШЛИКДА КОМПОЗИЦИЯ


Фигурали композицияда биз сюжет, гармония, чизиқлар контрастларини кўрсатиб беришиз, бундан ташқари сюжетни ҳар томонлама тушунарли қилиб акс эттиришимиз зарур. Кўп ҳолларда асар баъзи томонлардан қизиқарли, бошқа томонлардан қараганда эса

зерикарли кўринишга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда рассом композицияга ўзгартишлар киритиши керак бўлади.

Шу сабабли айлана пластикадаги композиция рельеф композициясига нисбатан мураккаб бўлади, сабаби рельефда барча ҳаракат бир томонга ишлов берилишига боғлиқ. Натурадан олинган рельефли этюдни яратиш жараёнида эса, айлана фигуранинг ясалишидан кўра анча мураккаб, сабаби лепкада интерпретация камроқ бўлиб, кўриниш натурага яқинлаштирилади. Айлана пластикада битта фигуранинг ясалиши катта қийинчилик яратмайди, чунки позани ҳар томонлардан қуриш ва тушуниш қийин эмас; қийинчиликлар, икки ёки уч фигура тўғрисида кетганда бошланади. Фигураларга, фикрингизни тўғри ифодалаб берувчи позани аниқлаб олиб, тирик модел ёрдамида қушмоқчи бўлган услуб ҳамда хусусиятларни киритинг, агар сиз шундай қулай моделни топа олсангиз уни асл нусхасини туширсангиз бас.

Бир фигурали сюжет учун содда позаларни танланг; умуман олганда ҳайкал учун айнан шундай позалар мансуб, чунки ҳайкалнинг асосий қоидалари бу —унинг мустахкамлиги, томошабин ҳайкални балансировка ҳолатини табиий поза деб тан олиши кераклигида.

Кескин ҳаракатларни ифодаловчи ҳайкалларни қуратиш жуда қийин; бундай ҳайкал сизда тезлик тасаввурини уйғотиб, кўп вақт давомида қарашингиз унинг қийналган позаси сизни ҳам чарчатиб қўйиши мумкин. Юзини қараб мириқиб қўлиб турган ҳайкалга қараш ҳам ўта мураккаб, чунки бундай ҳайкал ахмоқона кўринишга эга. Битта фигура стабиллик ҳолатини бахш этиши керак, у мустахкамликни ифодаловчи архитектура асари бўлиши керак. Рельеф ёки расмда гладиатор иккинчи гладиаторга отилиб уни ёнгишга ҳаракат қилаётганлиги гувоҳи бўлсангиз, бу кескинлик ва зиддият ҳаракати орқали томошабинга ҳам ўтади. Хулоса,



айлана пластикаси,
айникса ундаги битта
фигура рельеф ёки
рассомчилик сингари
кескин ҳаракатларни
кўрсатиш учун
мослаштирилмаган;
қўлланиладиган материал
тури кучли ҳаракатнинг
иллюзионистик тасвири
тўғрисида уйлашга имкон
бермайди.

Курашдаги
Гладиаторнинг кадимги
хайкали анатомия бўйича
чуқур билимларга
эгалликни кўрсатиб,
муаллиф томонидан тирик
ва ҳаракатчан санъатни
ўзатиб бериш мохирлигини

яққол намунаси бўлиши мумкин; расм ҳамда экспрессияси бўйича унинг шакллари мукамал бўлишига қарамай, бу асар томошабинни толиктириб қуяди. Ушбу асарни, Милосли Вёнера ёки «Мойралар» гуруҳли композицияси билан такқосласаб курсак, уларнинг ўртасидаги фаркни осон ҳис этишимиз мумкин. Ўзининг техник томонидан мукамаллигига қарамай, таққослаш учун олган икки асаримиз ўзининг савлати ҳамда нафислиги билан томошабинга тинчлик ва қониқиш ҳолатини бағишлайди.

Кескин позаларни ёқтирган Микеланджело, ўзининг ҳайкалларини тинчлик ҳолати билан тўлдиришни билган. Медичи макбарасидаги (290 расм) фигураларга ахамият берсангиз, позалар нотинч бўлишига қарамай улар мустаҳкам кўринишга эга. Жуда кўп сонли ўйинчиларни акс эттирган ҳайкалларга ахамият бериб қарасак, улардаги ясалиш мукамаллиги катталиги ва жойлашувининг мустаҳкам эмаслиги томошабинни тез чарчатиб қуяди. Битта фигурали бундай сюжетларни фақат кичик ўлчовларда ҳамда мармар эмас, бронза материалида қўллаш мумкин.



ХУЛОСА

Ўрганиш – биз ечмокчи бўлган мисолнинг устида ишлаш демакдир. Билим, бизнинг онгимизни янада ривожлантиради. Ижодкор нақадар иқтидорли бўлмасин, у ўрганишдан бош тортиши мумкин эмас. Аввалги йилларда одамлар бунчалик шошмаганлиги учун билим олиш анча чуқур бўлган, бугунги кунга келиб билим олиш енгиллашди. Афсўски ақл, юзаки ва енгил бўлиб келмокда. Менинг фикримча биз билим олишни кўп холда нотўғри амалга оширамиз, билим олиш услуб асосида, секин оқувчи ва боскичма боскич утадиган бўлиши керак. Мактабни тарқ этиш пайтида ўқувчи ўтиш даврида бўлиб, унинг ақли ишончсиз, ўзи эса каттик қўлга мухтождир. Ўқувчини қанчалар шошилтирсангиз, шунча, тўсиқларни ўтиш учун унда камроқ куч қолади.

Талабалар ҳамма нарсани яшашга ургатиб, охирида у ҳеч бирини мукаммал урганмагани аниқланади. Баъзида эса улар бошланғич синфларда дарс беришга тайёр деб ҳисоблашади. Нақадар заифлик! Ўқитувчи ўқувчига, қанчалар хохламасин икки йил давомида миясига керак бўлган ҳамма маълумотни сола олмайди. Бу аччиқ ҳақиқат бўлиб, мавжуд бўлган муаммони ечиш пайти келди, ақс холда бу санъатнинг аҳамияти пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Воронова О. "Искусство скульптуры" – М.: «Знание», 1981 г.
2. Э. Лантери «Лепка», издательство «В. Шевчук», М.: 2006 г.
3. Томский М «Композиция в скульптуре», 1965
Л.М.Писаревский. Лепка Головы человека. М.1968.
4. В.П.Шевченко «Одам анотомияси ва расм». Т., А.Қодирий Номидаги
Халқ меъроси нашриёти 1996.
5. Барышников А. П. Лямен И.В «Основы композиции», 1951, пособие

Интернет сайтлари:

www.mrdi.uz
www.sarafan.ru
www.ocinka.ru
www.textile-press.ru
www.vgik.info
e-mail – mail@vgik.info
www.pencil.nm.ru
artinst@mail.ru
ychednoe@mail.ru
www.msus.org
www.artacademu.spd.ru
e-mail charkin@peterstar.ru
[artacademy@antecede my. spd.ru](mailto:artacademy@antecede.my.spd.ru)
www.nbgf.intal.uz
www.nbgf.intal.uz